

Мушрик тоифаларининг охирги икки даражадаги ихтилофлари | Ақийда дарслари (277-дарс)



19:00 / 13 май 540

Сўнгги икки даражада (учинчи ва тўртинчи) ихтилофга тушган мушриклар асосан қуйидаги фирқаларга бўлинади:

Юлдузпарастлар. Улар: «Юлдузлар ибодатга сазовордир, уларга ибодат қилиш бу дунёда наф беради. Улардан ҳожатларни сўраш ҳақдир. Чунки кундалик ҳодисаларга, шунингдек, кишининг бахтига, бадбахтлигига, соғлиги ва беморлигига уларнинг таъсири каттадир. Яна юлдузларнинг алоҳида ақл юритувчи жонлари бўлиб, ана ўшалар орқали ҳаракат қиладилар, ўзларига сиғинувчилардан ғофил қолмайдилар», деб эътиқод қилганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг номига ҳайкал ва ибодатхоналар қуриб, уларга ибодат қилар эдилар.

Мушриклар – араб мушриклари. Улар улкан ишларнинг тадбирида, Аллоҳ таоло бирор ишни қилган бўлса, Аллоҳнинг тадбири ва қилган ишида ҳеч кимнинг дахли бўлмаслиги борасида мусулмонлар билан бир хил эътиқодда эдилар. Аммо бошқа ишларда уларга хилоф қилдилар. Улар ўзларидан олдинги аҳли солиҳ кишилар Аллоҳга ибодат қилиб, Унга яқинлашганлари туфайли, Аллоҳ уларга улўхият ато қилган, шунинг учун улар бошқа халойиқдан фарқли ўлароқ, ибодатга ҳақдор бўлишган, дер эдилар. Буни худди шаҳаншоҳ яхши хизмат қилган қулига подшоҳлик

рутбасини бериб, унга ўз мулкидаги ўлкаларидан бирининг ҳукмронлигини топширса, бу қул ўша ўлка аҳлининг итоатига ҳақдор бўлганига ўхшатардилар. Улар: «Аллоҳнинг ибодатига ҳалиги воситачиларнинг ибодати қўшилгандагина қабул бўларди. Ҳақ таоло ниҳоятда улуғлигидан Унга бевосита ибодат қилишнинг фойдаси йўқ. Уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилиш керак», деб, мазкур шерик худолар эшитишади, кўришади, сиғинувчиларига шафоат қилишади, уларнинг ишларининг тадбирини қилишади ва уларга ёрдам беришади, дея эътиқод қилар, уларнинг шаклларини тошдан йўниб ясаб олиб, ўша тошларга юзланиб ибодат қилар эдилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло гоҳида уларга раддия бериб, ҳукм ва мулк фақат Ўзига хос эканини эслатган:

أَحَدًا حُكْمَهُ فِي شِرْكَ وَلَا ٢٦

«**Ва У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас**» (Каҳф сураси, 26-оят).

الْمَلِكِ فِي شَرِيكَ لَهُ، يَكُنْ وَلَمْ

«**...мулкда шериги бўлмаган...**» (Исро сураси, 111-оят).

Гоҳида эса шерик худолар жамодот эканини баён қилган:

لَهُمْ أَمْرٌ بِهَا يَبْطِشُونَ أَيِّدِهِمْ أَمْرٌ بِهَا يَمْشُونَ أَرْجُلُهُمْ أَلْهَم

أَدْعُوا قُلُوبَهُمْ يَسْمَعُونَ أَعْيُنَهُمْ لَهُمْ أَمْرٌ بِهَا يَبْصُرُونَ أَعْيُنُهُمْ

نُنْظِرُونَ فَلَا كِيدُونَ تَمَّ شُرَكَاءَ كُمْ ١٩٥

«Ёки уларнинг оёқлари бормики, улар билан юрсалар; ёки қўллари бормики, улар билан ушласалар; ёки кўзлари бормики, улар билан кўрсалар; ёки қулоқлари бормики, улар билан эшитсалар» (Аъроф сураси, 195-оят).

Аллоҳ таоло адашганларга раддия қилиб гоҳида:

وَلَدًا وَلَا صَحْبَةً اتَّخَذَ مَا رَبَّنَا جَدُّ تَعَالَى وَأَنَّهُ ٣

«Ва албатта, Роббимизнинг улуғворлиги юксак бўлди. У Ўзига хотин ва фарзанд тутгани йўқ» (Жин сураси, 3-оят), деб, Ўзининг хотини ва боласи йўқлигини таъкидласа, гоҳида:

كُنْ لَهُ يُقُولُ فَإِنَّمَا أَمْرًا قَضَىٰ وَإِذَا وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ بَدِيعُ

فَيَكُونُ ١١٧

«У осмонлару ернинг беназир қилиб яратгувчисидир. Бирор ишни ҳукм қилса, унга: «Бўл!» дейди, холос, бас, у бўладир» (Бақара сураси, 117-оят), дейди. («Ҳужжатуллоҳил Болиға», 1-жилд, 123-124-бетлар).

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.